

Она бир ака-ука ёки опа-сингиллар ҳукми



14:51 / 22 март 1343

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

يَكُنْ لَكُمْ إِنْ أَرْوَجُكُمْ تَرَكَ مَا نِصْفُ وَلَكُمْ ❁

مِمَّا الرُّبْعُ فَلَكُمْ وَلَدٌ لَهُنَّ كَانَ فَإِنْ وَلَدٌ لَهُنَّ

دَيْنٍ أَوْ بِهَا يُوصِينَ وَصِيَّةٍ بَعْدَ مِنْ تَرَكَنَ

فَإِنْ وُلِدْكُمْ يَكُنْ لَكُمْ يَكُنْ لَمْ إِنْ تَرَكَتُمْ مِمَّا الرُّبْعُ وَلَهُنَّ

بَعْدَ مِمَّا تَرَكَتُمْ مِمَّا الشُّمْنُ فَلَهُنَّ وَلَدٌ لَكُمْ كَانَ

يُورَثُ رَجُلٌ كَانَ وَإِنْ دَيْنٌ أَوْ بِهَا تُوصُونَ وَصِيَّةٍ

مِنْهُمَا وَاحِدٍ فَلِكُلِّ أُخْتٌ أَوْ أَخٌ وَلَهُ أَمْرَةٌ أَوْ كَلَلَةٌ

فِي شُرَكَاءَ فَهُمْ ذَلِكَ مِنْ أَكْثَرِ كَانُوا فَإِنَّ السُّدُسُ

مُضَارٍ غَيْرِ دَيْنٍ أَوْ بِهَا يُوصَى وَصِيَّةٍ بَعْدَ مِنَ الثُّلُثِ

Сизларга хотинларингиз қолдирган нарсанинг, агар уларнинг фарзанди бўлмаса, ярмидир. Агар фарзанди бўлса, сизга улар қолдирган нарсанинг чораги. Улар қилган васият ёки қарз(адо этилгани)дан сўнг. Уларга сиз қолдирган нарсанинг, агар фарзандингиз бўлмаса, чорагидир. Агар фарзандингиз бўлса, уларга сиз қолдирган нарсанинг саккиздан бири. Сиз қилган васият ёки қарз(адо этилгани)дан сўнг. Агар бир эркак ёки аёл калола ҳолида мерос қолдирса, унинг биродари ёки синглиси бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдирлар. Зарар келтирмаган ҳолда қилинган васият ёки қарз(адо этилгани)дан сўнг. (Бу) Аллоҳ томонидан тавсиядир. Ва Аллоҳ ўта билувчидир, ўта ҳилмлидир. (Нисо сураси, 12-оят).

Ушбу ояти карима эр-хотинлар ҳукмини ойдинлаштиради ва ҳар бир эр ёки аёл учун икки ҳолат мавжудлигини баён қилади:

Эрнинг ҳукми

- Агар хотин вафот этиб, ундан кейин меросхўр фаръ, яъни фарзанд қолмаса, эрнинг улуши ярим бўлади;
- Агар вафот этган хотиндан меросхўр фаръ (фарзанд) қолган бўлса, эрнинг улуши тўртдан бирдир.

Хотин ёки хотинларнинг ҳукми

- агар эр вафот этиб, ундан меросхўр фаръ (фарзанд) қолмаса, хотин ёки хотинларнинг улуши тўртдан бирдир;
- агар эр вафот этиб, ундан меросхўр фаръ (фарзанд) қолган бўлса, хотин ёки хотинларнинг улуши саккиздан бирдир.

Эр-хотинлар орасидаги ҳолатни қиёслашда Қуръони Карим доимо аёллар улуши эркак улушининг ярмига тенглаштирганини кўрамиз. Бунинг

ҳикматини биз юқорида дин душманларининг шубҳаларига раддия берганимизда айтиб ўтдик.

Она бир ака-ука ёки опа-сингиллар ҳукми

Аллоҳ таоло марҳамат қилади:

أَوْأَخٍ وَوَلَةٍ أَوْامْرَأَةٍ أَوْكَلَّةٍ يُورَثُ رَجُلٌ كَانَتْ وَإِنْ

مِنْ أَكْثَرِ كَانُوا فَإِنَّ السُّدُسَ مِّنْهُمَا وَاحِدٍ فَلِكُلِّ أُخْتٍ

الثلثِ فِي شُرَكَاءِ فَهَمَّ ذَلِكَ

«Агар бир эркак ёки аёлдан калола ҳолида мерос қолса, унинг ака-укаси ёки опа-синглиси бор бўлса, улардан ҳар бирига олтидан бир. Агар улар бундан кўп бўлсалар, учдан бирига шерикдирлар» (Нисо сураси, 12-оят).

Бу ердаги ака-ука ёки опа-сингил туғишган ёки ота бир ака-ука ёки опа-сингиллар эмас, балки она бир ака-ука ёки опа-сингиллардир. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу томонидан собит бўлган ушбу қироат бунга далилдир:

«...унинг (она бир) ака-укаси ёки опа-синглиси бор бўлса...» (Нисо сураси, 12-оят).

Уламолар жумҳури бу оятда айнан она бир ака-ука ва опа-сингиллар назарда тутилганига ижмо қилишган. Бунга далил Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг уларнинг меросини икки марта – шу оятда ва шу суранинг

охирида зикр қилганидир. Бу оятда бир киши учун олтидан бир, кўпчилик учун эса учдан бир (улуш) ажратилган. Улар улушни шерик бўлган ҳолда, ўзаро баробар тақсимлайдилар. Суранинг охирида эса битта сингил учун ярим, иккита сингил учун учдан икки, ўғил бола учун эса молнинг ҳаммаси тайин қилинган. Демак, ўртадаги қарама-қаршилиқни даф қилиш учун суранинг охирида ва бу ерда биродарлар турли хил бўлиши керак. Биродарлар туғишган ёки ота бир ака-ука, опа-сингиллар она бир ака-ука, опа-сингиллардан кўра марҳумга яқинроқ бўлганликлари учун уларга улушлари суранинг охирида тўлиқроқ берилмоқда. Шундан аниқ бўладики, биз келтирган оятдаги «биродар»дан мурод она бир ака-ука, опа-сингиллардир. Суранинг охиридаги «биродарлар»дан мақсад эса туғишган ёки ота бир ака-ука, опа-сингиллардир.

«Ислом шариатида мерос илми» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 24 августдаги 03-07/5163-рақамли ҳамда 2022 йил 27 сентябрдаги 03-07/7348-рақамли хулосалари асосида тайёрланган.